


«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Кенгаши қарори билан  
Халқ банки Бошқарув Раиси

  
М.Ё. Эшматов  
  
2019 йил 30 августдаги  
28-сонли баённома

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раиси ўринбосари

  
Б.Э. Захидов  
2019 йил "17" сентябрь  
DS-37-0266-1 - сон билан  
рўйхатга олинган  
М.Ў.

**2018 йил 29 ноябрь куни DS-19-0266-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатлари (V - чиқарилиш)ни чиқариш, муомалада бўлиш ва сўндириш шартлари"га киритилган ўзгартиришлар матни**

1. 16. – банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"16. Сертификатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) йил мобайнида жойлаштирилади."

2. 29. – банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"29. Сертификат бўйича маблағлар юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамидан банкнинг тегишли ҳисобрақамига келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб, банк депозит суммасига нисбатан йиллик фоизлар ҳисобланишини амалга оширади. Депозит сертификат учун фоиз тўловлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасини инобатга олган ҳолда қуйидагича амалга оширилади:

№	Муддатлари	Йиллик устама фоиз миқдори (%да)
1	181 кундан 365 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси + 1,0 %
2	366 кундан 730 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси + 2,0 %
3	731 кундан 1095 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси + 3,0 %

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда, Банк депозит сертификати бўйича фоиз тўловларини ушбу ўзгартириш киритилгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан белгиланган тартибда ҳисоблайди ва тўлаб беради.”

3. 37. – банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Сертификат сақловчиси сертификатни белгиланган муддатидан олдин қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни депозитни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор (ариза тақдим) қилиши шарт. Бунда, банк ушбу сертификатлар эгасига, сертификатга тўланадиган фоиз тўловларини сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги фоизлар миқдоридан тўлаб беради:

№	Муддатлари	Депозит сертификат муддатидан олдин сўндирилганда тўланадиган йиллик устама фоиз миқдори
1	90 кунгача	2,0 %
2	91 кундан 180 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси - 6,0 %
3	181 кундан 365 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси - 4,0 %
4	366 кундан 730 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси - 2,0 %
5	731 кундан 1094 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси - 1,0 %

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдоридан ортиқ бўлган тақдирда, ортиқча тўланган фоизлар депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.”